

Масъуд Самарқандий “Салоти Масъудий” Асари Таржималарининг Таҳлили

Усманова Хулкар Маматовна¹

Аннотация: Мазкур мақолада фақиҳ Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандий (XIII аср охири ва XIV аср бошлари)нинг “Салоти Масъудий” асари ва унинг туркий тилдаги таржималари таҳлил қилинган. Ҳар бир таржиманинг ўзига хосликлари кўрсатиб берилган.

Калит Сўзлар: “Салоти Масъудий”, тошбосма, таржима, Хоразм, Хива хонлиги, Самарқанд, Қўқон, форсий, туркий.

“Салоти Масъудий”нинг таржималари 3 та мактаб вакиллари томонидан амалга оширилган. Булар Хоразм, Самарқанд ва Қўқон.

“Салоти Масъудий”ни хижрий 1284/ милодий 1867 йил туркий тилга таржима қилган Мулло Ҳабибуллоҳ ибн қози Муҳаммад Тоййиб марҳумий Хоразмий кириш қисмида шундай дейди: “Бу “Салоти Масъудий” китобики, соҳиблари улуғ имом ва мужтаҳид турурлар. Они турк лафзи била таржима эта олғай. Ва лекин, ул хилофат тахтининг сарвари ва салтанат буржининг меҳри анвари, муҳиббул-илм вал-уламо, муъинул-оъм вал-фуқаро ал-ҳоқон ибн ал-ҳоқон ибн ал-ҳоқон Абул Музаффар вал Мансур Абул Фатҳ Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодир Хоразмшоҳ улуми шаръий таҳсилаға рағбат ва муттасил диний уқтубиға муҳиб эрди. Ул важҳдин илтифот ва иноятларин бу каминаи муҳаққар, дуоғўй ва саноғўйлари Мулло Ҳабибуллоҳ ибн қози Муҳаммад Тоййиб марҳумий Хоразмийнинг аҳволиға шомил қилиб, бу “Салоти Масъудий” китобин туркий лафзи била таржима қилиб битсун деган амри олийлари содир бўлди. Ҳадис “ал-ма’мур ма’зурун” ҳукми била ма’зур бўлуб ва итоат улул-амр ва ижтабаху мазмунига амал қилиб ва улуғ имом Муҳаммадларнинг ва соҳиб китобнинг руҳи парфутуҳларидан имдод ва иъонат тилаб, бу улуғ амрға ақдом ва эҳтимом кўргузулди. Ва бит-тавфиқ вал-истиъанати биллаҳи” [1].

Мазкур таржима Мулло Ҳабибуллоҳ ибн қози Муҳаммад Тоййиб марҳумий Хоразмийнинг таъкидлашича, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) (1864-1910) нинг буйруғи билан амалга оширилган. Барчага маълумки, Муҳаммад Раҳимхон Хоразм маданий муҳити ривожига катта ҳисса қўшган давлат арбобидир.

Умуман олганда XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигида китобат иши ва санъати ҳамда китобхонлик маданияти юксак даражада бўлган.

Хива хонлигининг Қўнғирот сулоласи даврида 200 нафарга яқин хаттот ва котиблар, 20 нафардан ошиқ саҳхофлар фаолият олиб борганлар[2]. Бу даврда хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этиб, уларни мунтазам бойитиб боришга ҳаракат қилганлар. Хонлар ўзлари қурдирган мадрасалар кутубхоналарига китоблар вақф этиб, уни қози томонидан тасдиқлатиб ҳам қўйганлар. Шунингдек, ўнга яқин зиёли шахслар ўзларининг шахсий кутубхоналарини ташкил этган ва баъзилари ундан кенг омма фойдаланиши учун имконият яратганлар.

Ўша давр муҳити ва маданий ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотлар шоир, таржимон ва тарихнавис олим Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг 1913 йилда яратган “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида ўз аксини топган. Мазкур асарда Баёний Муҳаммад Раҳимхон II га шоир Феруз ва ҳукмдор сифатида аниқ таъриф беради. У “муддати салтанатлари қирқ етти йилу ўн беш кун”дан иборат бўлган Ферузнинг маданиятга ғамхўрлигини бундай тасвирлайди: “Хон

¹ Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти



хазратлари бағоят мушфиқ фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эдилар. Кўп мадрасалару масжидлар бино қилдилар[3].

1873 йили Хива хонлигининг Чор Россияси томонидан босиб олиши натижасида мамлакатнинг моддий ва маданий бойликлари таланди, энг сара бойликлар Петербургга ташиб кетилди. Шундай бўлса-да, маърифатпарвар, халқпарвар Муҳаммад Раҳимхони Соний – Феруз (1864-1910) оз фурсатда мамлакат иқтисоди ва маданиятини нисбатан тиклаб олишга муваффақ бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири кишки қароргоҳ – Арк ичкарасида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги Тозабоғ саройида жойлашган эди. Тадқиқотчилар Ш.Воҳидов ҳамда А.Эркиновнинг аниқлашича, Муҳаммад Раҳимхон Феруз хукмронлик йилларининг охирларига келиб, сарой кутубхонасидаги жами қўлёзма ва тошбосма китоблар 914 тани (шулардан 604 таси қўлёзма, 310 таси тошбосма асарлар) ташкил этган. Бу 1911-12 йилларда ёзилган сарой кутубхонасининг фихристи-каталоги орқали маълум[4].

А.Носиров ўзининг “Хоразмга оид манбалар” асарида Хоразмда таржима қилинган диний мавзуга оид китобларнинг 54 та нусхаси рўйхатини келтирган[5].

XIX асрда Хоразмда ва Шарқий Туркистонда туркий тилга катта эътибор туфайли кўплаб тарихий, диний ва бадий асарлар форсий, арабий тилларидан таржима қилинди, янги асарлар яратилишига имкон яратилди.

Самарқанд таржима мактаби вакили таржимон Раҳимхўжа Алихўжа Эшон ўғли “Салоти Масъудий”нинг турк тилига таржима қилиниши ҳақида шундай дейди: “Маълумдурким, “Салоти Масъудий” китобининг мўътабар ва мўътамад байнал-аном ва муҳтож илайҳи хос ва авом, камол шухратидан, таъриф қилмоқдан ғаний ва тавсиф қилмоқдан мустағний.

Аммо форсий забонида тартиб топилгон эрди. Ул дарёи бегаронанинг бебаҳо гавҳарларидан туркийлар бебаҳра эрдилар. Шул жиҳатдан баъзи саодатмандиким, тожирлар фазилатпешаси ва аҳли эҳсонлар ҳайрат андишаси илтимос қилдиларким, туркий тилида таржима қилинса кўп яхши ёдгор колур эрди деб. Бир мажлисда фазилатда машҳур ва халқ хушда маъруф Мулло Неъматуллоҳ бой Абдуссамий бой ўғли бу фақирга хитоб қилиб айдиким, “Салоти Масъудий” кўп яхши бўлубдур. Форсийдонларга ҳузури жон ва салавати иймондур. Лекин туркларга кам баҳра еткурадур. Агар ушбуни турк тилига таъбир қилинса, андоғким, изҳори фазл ва иборати оралиқ мулоҳазасин қилмай, худ Туркистон мамлакатин истилоҳига мувофиқ равон иборат ила таржима қилинса, оммаи турк баҳрайоб бўлиб, бир тухфаи хуб то инқироzi оламғача ёдгор колур эрди”. Ва яна айдиларким, “бу ишга ҳеч андиша даркор эмастур. Албатта қилмоғингиз керак”. Ложарам ул сардафтар аҳли фатонатнинг хоҳишларига мувофиқ шуруъ қилинди. Ҳазрат субҳанаху ва таолонинг инояти ила туркий таржима бўлуб олам ва ҳужжатга келди” [6]¹.

Мазкур таржима 1904 йил 11 октябрда Самарқанднинг Демуров Г.Н. босмахонасида чоп қилинди[7]².

Маълумотларга таянган ҳолда, “Салоти Масъудий”нинг бу таржимасини туркий тилга қилинган таржималарнинг энг илмийси ва аҳамиятлиси десак хато қилмаймиз. Чунки, ундан олдин кўкнлик бир шоир “Салоти Масъудий”ни туркий тилга таржима қилган эди. Бироқ, Раҳимхўжа Алихўжа Эшон ўғлининг таъкидлашича, унинг таржимаси “Шоирона иборат ила бўлиб ва ҳам арабийга кам қувватлиғидан балки фикҳга ошно эмаслиғидан аксар масалани беробита ва балки кўп ғалат қилибдур. Анинг ислоҳиға кушеш қилинғонда ҳам муддао ҳосил бўлмас экан. Ложарам, аввал нусхаға илтифот қилмай, Худой азза ва жалладан тавфиқу ҳидоят тилаб, алоҳида туркий таржима қилмоқға шуруъ айладим” [7]¹.

¹ Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 175, 1904.-Б. 1.

² Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, инв. № 175; ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 7971; Ҳамид Сулаймон фонди, тошбосмалар, инв. № 3315 ва инв. № 4588. 1904.-860 б.

¹ Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, инв. № 175; ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 7971; Ҳамид Сулаймон фонди, тошбосмалар, инв. № 4588 ва инв. № 3315, 1904.-Б. 3.



Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Маълум бўлишича, Раҳимхўжа Алихўжа Эшон ўғли кўқонлик шоир Муҳаййир томонидан амалга оширилган таржимадан бошқа таржималарни кўрмаган. Бироқ, бу даврда 1867[8]² ва 1891[8]³ йилларда таржима қилинган туркий қўлёмалар мавжуд бўлган. Демак, мутаржим булардан беҳабар бўлган.

Мазкур таржима 3 жилддан ташкил топган бўлиб, биринчи жилди 328 бет, иккинчи ва учинчи жилдлари 528 бет ҳамда фикҳристи-мундарижаси 4 бет, жами 860 бетдан иборатдир. Китобнинг охирида Абдуссалом Шоший томонидан тузилган тўрт бетлик муфассал мундарижа келтирилган.

Биринчи жилд 28 бобдан, иккинчи жилд 29 бобдан ташкил топган бўлиб, учинчи жилд рақамланган бобларга бўлинмасдан асосан китоблардан иборат.

Бу нусханинг бошқаларидан афзал томонлари шундаки:

биринчидан, хати барча учун тушунарли;

иккинчидан асар матни содда ва равон таржима қилинган. Муаллиф ишлатган тил XX аср бошларидаги ўзбек тили бўлиб, унда арабча ва форсча сўз ҳамда иборалардан кўп истифода қилинган.

Учинчидан, энг асосий, зарур ўринларнинг устига чизик тортилган. Масалан, оятлар, ҳадислар, эса тутиш керак бўлган қоидалар ва ҳоказо;

тўртинчидан баъзи ерларда китоб четига ҳошия сифатида мутаржимнинг фикрлари берилган. Жумладан, Масъудий қайси мужтахид ёки китобларга муҳолиф-у, қайсиларига муҳолиф эмас. Масалан, 524-бетда “шул ҳукмда фақиҳ Масъудий Ниқоя, Виқоя ва Ҳидояга муҳолиф”, 525-бетда эса “Имом Муҳаммадга мувофиқ” дейилган[7]¹.

Бешинчидан, мутаржим муҳим масалаларни белгилаб шарҳлайди, ўрни келганда ўзининг нуқтаи назарини ҳам беради: “Баъзи нусхаларда Музаффар дарё жанобларидан маноқибни Нўъмониядан нақл қилиб, бир ҳикоят ёзилган экан, аммо кўп мўътабар нусхаларда йўқдир. Ўша ҳикоятда Хизр ва икки муқарраб фаришталарга андак таҳқир ва тажҳили оид қилингани учун бу сўз асл нусхада бўлмас деб ёзилмаслигига таржих қилинди”. Бу каби изоҳ ва шарҳлар мутаржимнинг катта олимлиги ва фикҳ илмини кенг қамраб олганидан далолат беради.

Нусхада Қола, Нақл, Ал-Қисса, Фасл, Байт, Ривоят, Ривоятда, Боб, Мас’ала, Хабарда келибдурким, Айтадурларким, Жухуд бирла Рофизий савол-жавоблари каби сўз ва иборалар йирик ҳарфлар билан ёзилган.

“Салоти Масъудийи туркий”нинг ёзилиш услуби содда ва тушунарлидир.

Таржимон 2-жилднинг якунида шундай дейди: “Агар бир саҳв ва ё хато кўрсалар, зуд ислоҳиға кушеш қилғайлар. Чунки “Салоти Масъудий”нинг аслини нусхадан нусха кўтарилиб, чандон ғалат воқеъ бўлубдурким, ҳеч бир нусхаға эътимод қилиб бўлмади ва ислоҳ қилинғон бирор нусха мавжуд бўлмади. Ложарам қалами нусхаи машҳуралардан 5-6 адад нусхани жамъ қилиб, ҳар кун китобат вақтида барчасидан қўйилди ва қайси бир ерда шубҳа бўлди ҳозир турғон нусхаларни тамомин кўрилди ва кўп машаққатлар ила тасҳих айлаб таржима қилинди ва баъзи алфозлариким, ғалат эмас, аммо ғализ, истеъмолға кам киргандур. Аларни ҳам имкони бор яхши ва равшан баён қилинди” [6].

Раҳимхўжа Алихўжа Эшон ўғлидан кейин “Салоти Масъудий”ни иккинчи марта Мулло Мир Махдумшоҳ Юнус марҳум ўғли чоп қилдиради: “Ва яна махфий қолмасунким, ушбу “Салоти

² Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёмалар фонди инв. № 8338.

³ Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёмалар фонди инв. № 8778.

¹ Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, инв. № 175; ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 7971; Ҳамид Сулаймон фонди, тошбосмалар, инв. № 4588, инв. № 3315. 1904.-Б. 524-525.



Масъудий”ни иккинчи чоп қилмоқға мутаржим Раҳимхўжа Эшонни умрлари вафо қилмай марҳум ўлдилар. Аллоҳ таоло ғариқи раҳмат ва шойистаи жаннат қилғай. Омин.

Мазкур марҳумнинг китоблари ҳамма атрофга марғуб бўлиб, чунончи Фарғона ва Бухоро тарафлариға тарқаб, ҳамма масжидларда ўқумоқ расм бўлиб, етушмай қолди. Шулар сабабдан камина Мулло Мир Махдумшоҳ Юнус марҳум ўғли иккинчи чоп қилмоқға эҳтимом қилиб, ушбу китоб баробарида чоп бўлган хўқандлик фозилни қилгон туркий “Салоти Масъуд”лари бирла Раҳимхўжа Эшон мутаваффани қилгон туркий “Салоти Масъуд”ларини уламоларға имтиёз қилиб бермоқға топшурдим. Муддати икки ой мулоҳаза қилиб кўрдилар. Сўнгра камина илтимос қилдим, ушбу нусхани қайси бириға жавоб берсалар қилсам дедим. Жаноби олийлар дедиларки, ҳар икки нусхани бир-бириға хуб татбиқ қилиб кўрдук. Иккови ҳам бир боғни гулидур деб ҳар икки мутаржимни қилгон диққатлариға офарин деб ҳақлариға дуои хайр қилдилар. Аммо аз руйи табаррук Раҳимхўжа Эшон марҳумнинг китоблариға жавоб бердук дедилар. Камина иккинчи тасҳиҳға бериб, чоп қилмоқ тараддудиға туштум. Аллоҳ таоло итмомиға еткурсин. Омин” [9].

Таржимоннинг таржима қилишдан мақсади ўз халқининг маънавий-диний савиясини юксалтириш ва бойитиш бўлган: “Пас каминаи мутаржим, мулоҳаза айладимким, бул хазинаи масоили динийнинг нусхаи гуҳар мисолларин кўпайтуруб оламға интишор этсам деб, токи ҳамма Туркистон вилоятидаги аҳли турклар омма баҳраманд бўлуб, баъзи масоили зарурийяти динийдан бохабар бўлсалар” [7].

Хулоса қилиб айтганда, Масъуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асари фикҳ илмига оид муҳим манбадир. Буни асарнинг қайта-қайта қўлёзма ва тошбосма нусхаларда кўчириб кўпайтирилганидан, туркий тилга таржима қилинганидан ҳам билса бўлади. “Салоти Масъудий”нинг мадрасаларда, айниқса илм аҳли орасида кенг тарқалганига сабаб - асар ҳанафий мазҳабида ёзилган бўлиб, тўлалигича шаръий ҳукмлар ва ҳаётий масалаларга бағишланган ҳамда ўзига хос илмий услубда таълиф этилган.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати:

1. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ЎзР ФАШИ, қўлёзма, № 8338. х.1284/м.1867.
2. Аминов Х.А. Хоразмда китоб тарихи манбалари (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари: ЎзР Фа Ши қўлёзмалар фонди асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2010. – 30 б.
3. Маҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий / Қўлёзма манбалар асосида нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифлари Н.Жумахўжа ва И.Адилова. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 95.
4. Sh. Vahidov. et A. Erkinov. Une source meconnue pour l’etude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim Khan II (Khiva, fin XX^e s.) // Cahiers d’Asie centrale, vol. 7 (1999). – P. 178.
5. Носиров А. Хоразмга оид манбалар. ЎзР Фа Ши қўлёзмалар фонди, инв. № 13423. – Б. 189–212.
6. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 175, 1904.
7. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, инв. № 175; ЎзР Фа Ши, тошбосма, инв. № 7971; Ҳамид Сулаймон фонди, тошбосмалар, инв. № 4588 ва инв. № 3315, 1904.
8. Қаранг: ЎзР Фа Ши қўлёзмалар фонди инв. № 8338.
9. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ЎзР ФАШИ, тошбосма, № 10401. 1910.

